

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИШОНОВ ЎТКИР АНЖИБОЕВИЧ**

**ҚОБИРҒАЛИ ПЛАСТИНКА ВА СФЕРИК ҚОБИҚЛАРНИНГ  
НОЧИЗИҚЛИ ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical-mathematical sciences**

**Нишонов Ўткир Анжибоевич**

Қобирғали пластинка ва сферик қобикларнинг нозизиқли  
деформацияланиши..... 3

**Нишонов Уткир Анжибоевич**

Нелинейное деформирование ребристых пластин и сферических оболочек 21

**Nishonov Utkir Anjiboyevich**

Nonlinear deformation of ribbed plats and spherical shells..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИШОНОВ ЎТКИР АНЖИБОЕВИЧ**

**ҚОБИРҒАЛИ ПЛАСТИНКА ВА СФЕРИК ҚОБИҚЛАРНИНГ  
НОЧИЗИҚЛИ ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/FM167 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Халмурадов Рустам Ибрагимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдикаримов Рустамхон Алимханович**  
физика-математика фанлари доктори, доцент

**Мамасолиев Қозоқбой**  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**  
**Самарқанд филиали**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938. E-mail: [sasu\\_info@edu.uz](mailto:sasu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366) 2351938.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Б.Ахмедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис  
ўринбосари, ф-м.ф.д., доцент

**А.Абдирашидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, ф-м.ф.д., доцент

**Х.Худойназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қоши-  
даги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий техника ва қурилишда деформациялар катта тезликлари шароитида интенсив тебранишлар жараёнларини юзага келтирувчи ҳар хил динамик юкланишлар таъсири остида бўлган юпқа эластик қурилмаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда АҚШ, Франция, Япония, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган мамлакатларда қурилманинг умумий бикрлигини ошириш учун унинг юпқа қисмини қобирғалар билан мустаҳкамлаш, бу билан қурилманинг мустаҳкамлигини ошириш, тўпланган зўриқишларни тарқатиш жараёнини ифодаловчи ноклассик моделлар қўлланилмоқда. Шу жиҳатдан қурилманинг юк кўтариш имкониятини камайтирмаган ҳолда унинг материал сарфи тежалиши конструкторлик ва иқтисодий жиҳатдан фойдалилиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Англия Франция, Япония, Германия ва бошқа ривожланган давлатларда қурилиш, машинасозлик ва кемасозлик каби тармоқларни ривожлантириш ва уларни лойиҳалаш усулларини такомиллаштиришда қисқа муддатли динамик юкланишлар таъсири остидаги бикрлик қобирғалари билан кучайтирилган қурилмаларнинг динамик кучланган-деформацияланган ҳолатини ва уларнинг юк кўтариш имкониятини ҳисоблаш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда турли ташқи динамик юкланишлар таъсири остидаги бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган пластинка ва қобиқлардан фойдаланилган аэрокосмик, ер ости ва сув ости муҳандислик қурилмалари элементларининг деформацияланишини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан турли муҳандислик қурилмалари ташувчи қисмлари ишини моделлаштирувчи қобирғаланган элементлар динамик жараёнларининг математик моделларини ва замонавий ҳисоб усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга бундай элементларнинг ностационар ҳолати учун қобирғали сферик қобиқлар ва доиравий пластинкалар кучланган-деформацияланган ҳолатини аниқлашнинг математик модели, алгоритми ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш ва техника соҳасида турли динамик юкланишлар таъсири остида бўлган юпқа эластик ва эластик-пластик қобирғали қурилмалар деформациясини ҳисоблаш модели ва алгоритминини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... ишлаб чиқаришни моденизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш..., ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ...»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан қурилмаларнинг юк кўтариш қобилиятларини оптимал жойлаштирилган қобирғалар билан мустаҳкамлаш ва арматуралаш орқали ошириш мақсадида қурилмалар элементларининг деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи такомиллаштирилган математик моделларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сон «2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қурилмалар қобирғали элементларининг динамик деформацияланиши масалалари бўйича юртимизда ва чет элда таниқли олим ва тадқиқотчилардан В.З.Власов, А.И.Лурье, Т.Мавлонов, Р.И.Халмурадов, Ю.П.Жигалко, В.В.Карпов, Л.И.Маневич, И.Я.Амиро, В.А.Заруцкий ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Қобирғали пластинка ва қобикларнинг динамик ҳисобида уларнинг хусусий тебранишларини тадқиқ қилиш муҳим рол ўйнайди. Бундай тадқиқотлар R.J. Stuart, J.F.Carney, А. К.Бодунов, А.А.Полозков, Г.Ф.Макмак, R.K.Jain, Takahashi Shin ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган доиравий пластинкалар ва сферик қобиклар динамик масалаларини ечишнинг сонли усулларига Ш.У.Галиев ва А.Б. Қаршиевлар, қурилмалар қобирғали элементлари ҳолатини тадқиқ қилишнинг нисбатан янги ва келгусида самарали йўналишибу уларнинг талаб қилинган параметрлари сонли ҳисоблаш бўлиб, бу соҳага S.Finnveden, L.Garvic, K.Wilner, K.Knothe, Z.Strzyzakovskлар, баъзи сонли ишланмалар асосида ётувчи спектрал чекли элемент ёки чекли элементларнинг тўлқин усуллари ривожига L.Houillon, M.N.Ichchou, L.Jezequel, В. Mace, L.Yinke, D.Duhamel, M.J. Brennanлар, қобирғали тузилмалар сонли ҳисобига S.Benerjee ва Т.Kundлар катта ҳисса қўшган.

Бугунги кунда турли ташқи динамик юкланишлар таъсири остидаги қобирғали пластинка ва қобикларнинг эластик-пластик хоссалари ҳисобга олинган ночизикли деформацияланиш масалаларини ечиш усули ва алгоритмларни ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №25/37 «Деформацияланувчи муҳит билан таъсирлашувчи дискрет-узлуксиз тизимлар тебраниши ва турғунлигини тадқиқ қилиш» (2000-2017), №21/41 «Қурилмалар элементларининг регуляр ва нерегуляр структурали муҳитлар ва боғламли майдонлар билан таъсирлашишини тадқиқ қилиш» (2007-2011), №ОТ-Ф-4-90 «Уч қатламли қовушоқ-эластик пластинкаларни динамик юкламалар таъсирида деформацияланишини ҳисоблаш» (2017-2020) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли динамик юкланишлар таъсири остидаги қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг ночизикли деформацияланиш моделларини такомиллаштириш, тебраниш тенгламаларини сонли ечиш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пластинка ва қобиклар ностационар тебранишлари ва кучланган-деформацияланган ҳолатларига ўзаро таъсирлашувчи кўндаланг кесими ўзгармас қобирғалар кўринишидаги мустаҳкамлаш элементларининг динамик реакциясини аниқлаш усул ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

деформация ва кўчишлар компоненталари орасидаги геометрик ночизикли боғланишларни ҳисобга олган ҳолда қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг тебраниши тенгламаларини сонли ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

материалининг эластик-пластиклик хоссасини ҳисобга олган ҳолда қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг тебраниши тенгламаларини сонли ечиш дастурий воситасини ишлаб чиқиш;

мустаҳкамлаш қобирғалари, уларнинг жойлашиши ва сонининг дискретлиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда ташқи динамик, хусусан, пластинка ва қобикларнинг қобирға билан туташмаган ташқи сиртига таъсир этувчи импульсли, портлаш ва бошқа, юкланишлар таъсиридаги доиравий пластинка ва сферик қобиклар ҳисобининг алгоритмларини яратиш;

қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг ташқи ностационар импульсли, оний ўсувчи ва бошқа юкланишлар таъсири остидаги динамик деформацияланиши масалаларини сонли ечиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дискрет сондаги халқали бикр қобирғалар билан мустаҳкамланган доиравий пластинка ва сферик қобиклар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** импульсли, портлашдаги ва бошқа динамик юкланишлар таъсири остидаги қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг ночизикли деформацияланиш жараёни, бикрлик қобирғалари таъсири жараёнларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида ночизикли эластиклик назарияси усуллари, ночизикли дифференциал тенгламаларни ечишнинг чекли айирмали усули, пластик деформацияларни ҳисобга олиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пластинка ва қобиклар ностационар тебранишлари ва кучланган-деформацияланган ҳолатларига ўзаро таъсирлашувчи кўндаланг кесими ўзгармас қобирғалар кўринишидаги мустаҳкамлаш элементларининг динамик реакциясини аниқлаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

деформация ва кўчишлар компоненталари орасидаги геометрик ночизикли боғланишларни ҳисобга олган ҳолда қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг тебраниши тенгламаларини сонли ечиш алгоритми ишлаб чиқилган;

материалнинг эластик-пластик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг тебраниши тенгламаларини сонли ечиш дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

мустаҳкамлаш қобирғалари, уларнинг жойлашиши ва сонининг дискретлиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда ташқи динамик, хусусан пластинка ва қобикларнинг қобирға билан туташмаган ташқи сиртига таъсир этувчи импульсли, портлашдаги юкланишлар таъсири остидаги доиравий пластинка ва сферик қобикларни ҳисоблаш алгоритми яратилган;

ташқи ностационар импульсли, оний ўсувчи ва бошқа юкланишлар таъсиридаги мустаҳкамланган қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобиклар кучланган-деформацияланган ҳолатини ҳисоблаш масалалари сонли ечилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ташқи динамик, хусусан импульсли оний ўсувчи ҳамда вақт бўйича секин ўсувчи юкланишлар таъсиридаги дискрет сондаги ҳалқали бикрлик қобирғалари билан маҳкамланган доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг геометрик ночизикли деформацияланишининг аниқлаштирилган ҳисоби алгоритми ишлаб чиқилган;

қобирғали доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг кучланган-деформацияланган ҳолати (зўриқишлар, моментлар, кучланишлар ва кўчишлар) ҳисоби учун дастурий восита ишлаб чиқилган;

қурилиш иншотлари томлари ва қаватлар орасидаги тўсиқлар қўйилган бинолар учун қўлланиладиган қобирғали пластинка ва қобикларнинг ҳисоби методи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги умумий маълум ва кўп маротаба текширилган кўндаланг силжиш деформацияларини ҳамда кўчиш ва деформациялар орасидаги геометрик ночизиклиликни ҳисобга олувчи пластинка ва қобиклар назарияларига асосланган бўлиб, қаралаётган системалар ҳаракати учун қабул қилинган тенгламаларнинг ҳамда улар ечимларининг тўғрилиги, хусусий ҳолда С.П.Тимошенко типдаги тенгламаларга ва уларнинг ечимларига мослиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дискрет сондаги халқали бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг ночизиқли деформацияланиши ҳисоби назариясини ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи динамик юкланишлар таъсири остидаги чекли сондаги халқали бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган доиравий пластинка ва сферик қобикларнинг кучланган-деформацияланган ҳолати ҳақидаги масалаларни илмий асосли ечиш учун зарурий назарий муносабатларни яратиш, улар етарли умумий характерга эга бўлганликлари учун пластинка, қобик ва қобирғалар материалларининг катта сондаги физик-механик (реологик, анизотропик, электро-магнито-эластик ва бошқа) хоссаларини ҳисобга олган ҳолатларга ҳам тадбиқ қилиш, олинган натижалардан қурилиш ва техника соҳасидаги ночизиқли амалий масалаларнинг сифат ва сонли таҳлилида фойдаланилиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли хил динамик юкланишлар таъсири остидаги қобирғали пластинка ва қобиклар ночизиқли деформацияланиши ҳисобининг яратилган дастури натижалари ҳамда ишлаб чиқарилган сонли усуллар ва алгоритмлар бўйича олинган натижалар асосида:

қобик ностационар тебранишлари ва кучланган-деформацияланган ҳолатларига ўзаро таъсирлашувчи кўндаланг кесими ўзгармас қобирғалар кўринишидаги мустаҳкамлаш элементларининг динамик реакциясини аниқлаш усули «Мензула тасвир сервис» МЧЖда бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган ётиқ сферик қобикларнинг кучланган-деформацияланган ҳолатини аниқлаш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган сферик қобикнинг деформацияланган ҳолати унинг мумкин бўлган салқилигини аниқлаш билан бирга баҳоланган ва бу қурилма материал сарфини 15%га камайтириш имконини берган;

ташқи ностационар импульсли юкланишлар таъсиридаги мустаҳкамланган қобирғали сферик қобиклар динамик деформацияланган ҳолатини ҳисоблаш усули ва алгоритми «Мензула тасвир сервис» МЧЖда бино устки қурилмаси материали мустаҳкамлиги шартининг бажарилишини текшириш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада кучланишлар тўпланган соҳаларини бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамлаш усули қурилманинг юк кўтариш имкониятини 10-12%га ошириш имконини берган;

қобирғали доиравий пластинканинг тебраниши тенгламасини сонли ечиш дастурий воситасидан «Сармоя қурувчи сервис» МЧЖда амалиёт учун хавфли бўлган, бир ёки иккита халқали қобирғалар билан мустаҳкамланган доиравий пластинка кесимларидаги эгувчи моментлар ва қирқувчи кучлар

қийматларини аниқлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада қобирғаларнинг ўрнатилиши кўрсатилган куч факторларини 40%дан 60%гача камайтириш ва қурилма оғирлигини 15-20%га енгиллаштиришга хизмат қилган;

ташқи динамик, хусусан, пластинканинг қобирға билан туташмаган ташқи сиртига таъсир этувчи импульсли юкланишлар таъсиридаги доиравий пластинка ҳисоби алгоритми «Сармоя қурувчи сервис» МЧЖда материал мустаҳкамлиги шартини текшириш имконини берувчи кучланиш қийматларини аниқлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада пластинка радиусининг 2/5 ва 3/5 қисми нуқталарида қобирғаларни ўрнатиш материаллар ва меҳнат сарфини қобирғаланмаган пластинкага нисбатан 30%гача иқтисод қилиш ҳамда қобирғаларни оптимал жойлаштириш пластинканинг юк кўтариш қобилиятини 12-15%га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида масаланинг кенгайтирилган характеристикаси ва муаммонинг долзарблиги келтирилган, диссертация ишининг мақсади қўйилган, диссертациянинг ҳимоя олиб чиқиладиган асосий илмий янгилликлари баён қилинган. Ишлаб чиқилиши зарур бўлган асосий масалалар ажратилган, ишда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг ишончлилигини асослаш усуллари келтирилган. Диссертациянинг барча бобларининг қисқача мазмуни ёритилган.

Диссертациянинг «**Қобирғали пластинка ва қобиклар ночизиқли муносабатлари ва тенгламалари**» деб номланган биринчи боби пластинка ва қобиклар геометрик ночизиқли назарияси асосий тенглама ва муносабатларининг тўғри чизиқли декарт ва цилиндрик координаталар системаларидаги ифодаларини келтирилишига бағишланган. Бикрлик қобирғалари билан маҳкамланган доиравий пластинка ва сферик қобиклар назарияси ва ҳисобига оид илмий ишлар шарҳи келтирилган. Материалининг

эластик ва эластик-пластик хоссалари эътиборга олинган қобирғали сферик қобик ва доиравий пластинкаларнинг ночизикли деформацияланиши ҳақидаги масала қўйилган.

1.1 параграфда турли юкланишлар таъсиридаги мустаҳкамланган пластинка ва қобиклар кўринишидаги муҳандислик қурилмаларининг тадқиқотига бағишланган ишларнинг шарҳи келтирилган. Шу билан бирга юкланишларни турли табиатдаги манбалар, хусусан, статик ва динамик юкланишларни, қаралаётган элементни қамраб олган ёки бўшлиғини тўлдириб турувчи муҳитда тарқалаётган акустик ва ностационар тўлқинлар келтириб чиқаради деб фараз қилинади.

1.2 параграфда қобирғали қобиклар учун геометрик ночизикли муносабатлар ва ҳаракат тенгламалари келтирилган. Мустаҳкамланмаган қобикнинг кучланган-деформацияланган ҳолати (КДХ) С.П.Тимошенконинг эгилувчан қобиклар назарияси асосида ёзилади. Қобикнинг мувозанат ва ҳаракат тенгламаларидан ташқари қобик ва қобирғанинг кесимларида таъсир қилувчи барча зўриқиш ва моментлар учун интеграл муносабатлар келтирилган.

1.3 параграфда қобирғали пластинкалар учун геометрик ночизикли муносабатлар ва ҳаракат тенгламалари келтирилган. Бунда пластинка ва қобиклар билан қобирғани ифодалаш учун узлукли функциялар, хусусан, Хевисайд ва Дирак функцияларининг қўлланилиши асосланган.

1.4 параграфда қобирғали пластинка ва қобикларнинг динамик деформацияланиши тўғрисидаги амалий масалаларнинг математик моделини яратиш учун керак бўлган чегаравий ва бошланғич шартлар четлари маҳкамланиши турига боғлиқ равишда келтирилган. Умумий ҳолда чегаравий шартлар пластинка ва қобикларнинг ҳар бир маҳкамланиш турлари: бикр ва эластик қистирилиш, шарнир таяниш ва эркин четлар учун алоҳида келтирилган. Бундан ташқари доиравий пластинка учун барча тўрт хил кўринишдаги чегаравий шартлар алоҳида ифодаланган.

Диссертациянинг «**Бикрлик қобирғалари билан мустаҳкамланган сферик қобикларнинг ночизикли деформацияланиши**» деб номланган иккинчи бобида импульсли юкланишлар таъсиридаги сферик қобикларнинг ночизикли тебранишлари ҳақидаги масалалар қўйилган ва ечилган. Биржинслимас таркибли қобиклар ҳисобининг энг долзарб: қобирғаларнинг дискрет жойлашишини эътиборга олиш, қўйилган юкланишларнинг қисқа вақт таъсир этиши ва динамик ҳисобларда геометрик ночизиклиликни эътиборга олиш муаммолари қаралган. Қобирғали қобикларнинг динамик деформацияланиши масалаларининг математик ифодаланиши амалга оширилган.

Масалаларни ечиш учун сонли усуллар, хусусан, чекли айирмалар усули қўлланилган. Бу усулнинг қобирғали қобикларнинг импульсли деформацияланиши масалаларида қўлланилиши асосланган ва тенгламаларни интеграллашнинг сонли схемалари баён қилинган. Қўлланилган дифференциал муносабатларнинг чекли айирмали кўриниши келтирилган.

2.1 параграфда қобирғаланган қобикларнинг импульсли деформацияланиши масалаларида чекли айирмали усулнинг қўлланилишининг асосланиши ва тебраниш тенгламаларининг сонли интеграллашнинг баёни келтирилган.

Қўлланилган дифференциал муносабатларнинг чекли айирмали кўриниши келтирилган. Кучланган-деформацияланган ҳолатини ифодалаш учун Тимошенко типидagi аниқлаштирилган назария қўлланилган бўлиб, унга асосан қобикнинг тебраниш тенгламалари қуйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} \frac{\partial N_x}{\partial x} + \frac{\partial N_{xy}}{\partial y} - \frac{\gamma}{g} \left[ \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} (h + \bar{F}) + \frac{\partial^2 \psi_x}{\partial t^2} \bar{S} \right] &= 0; \quad \frac{\partial N_y}{\partial y} + \frac{\partial N_{xy}}{\partial x} - \frac{\gamma}{g} \left[ \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} (h + \bar{F}) + \frac{\partial^2 \psi_y}{\partial t^2} \bar{S} \right] = 0; \\ N_x R_x + N_y R_y + \frac{\partial}{\partial x} \left( N_x \frac{\partial w}{\partial x} + N_{xy} \frac{\partial w}{\partial y} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( N_y \frac{\partial w}{\partial y} + N_{xy} \frac{\partial w}{\partial x} \right) + \frac{\partial Q_x}{\partial x} + \frac{\partial Q_y}{\partial y} + q - \frac{\gamma}{g} \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} (h + \bar{F}) &= 0; \quad (1) \\ \frac{\partial M_x}{\partial x} + \frac{\partial M_{xy}}{\partial y} - Q_x - \frac{\gamma}{g} \left[ \frac{\partial^2 \psi_x}{\partial t^2} \left( \frac{h^3}{12} + \bar{J} \right) + \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} \bar{S} \right] &= 0; \quad \frac{\partial M_y}{\partial y} + \frac{\partial M_{xy}}{\partial x} - Q_y - \frac{\gamma}{g} \left[ \frac{\partial^2 \psi_y}{\partial t^2} \left( \frac{h^3}{12} + \bar{J} \right) + \frac{\partial^2 v}{\partial t^2} \bar{S} \right] = 0. \end{aligned}$$

бунда  $u, v, w$  – кўчишлар,  $\psi_x, \psi_y$  – ўрта сирт нормалининг бурилиш бурчаклари;  $\gamma, g$  – қобик ва қобирға материалининг солиштирма оғирлиги ва эркин тушиш тезланиши;  $N_x, N_y$  – нормал зўриқишлар;  $N_{xy}$  – уринма зўриқишлар;  $M_x, M_y$  – эгувчи моментлар;  $M_{xy}$  – буровчи момент;  $Q_x, Q_y$  – қиркувчи кучлар;  $h$  – қобик қалинлиги;  $R$  – қобикнинг эгрилик радиуси;

$$\begin{aligned} \bar{F} &= \sum_{j=1}^m F^j(x, y) \delta(x - x_j) + \sum_{i=1}^n F^i(x, y) \delta(y - y_i) - \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m V^{ij} \delta(x - x_j) \delta(y - y_i); \\ \bar{S} &= \sum_{j=1}^m S^j(x, y) \delta(x - x_j) + \sum_{i=1}^n S^i(x, y) \delta(y - y_i) - \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m S^{ij} \delta(x - x_j) \delta(y - y_i); \\ \bar{J} &= \sum_{j=1}^m J^j(x, y) \delta(x - x_j) + \sum_{i=1}^n J^i(x, y) \delta(y - y_i) - \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m J^{ij} \delta(x - x_j) \delta(y - y_i); \end{aligned}$$

$F^j, S^j, J^j$  – мос равишда  $j$ -қобирға элементининг бирлик эндаги  $h^j(x, y)$  баландликдаги кўндаланг ёки бўйлама кесими юзи, шу кесимнинг координата ўқларига нисбатан статик момент ва инерция моменти. Худди шунга ўхшаш  $i$ -қобирға элементи учун  $F^i, S^i, J^i, S^{ij}, J^{ij}$  – қобирғанинг асоси билан умумий юзага эга бирлик қисмининг ҳажми, шу элементнинг координата текислигига нисбатан статик момент ва инерция моменти.

Бу тенгламаларни интеграллаш учун чекли айирмали усулнинг ошкор схемаси қўлланилган. Қобикнинг ўрта сирти тўғри тўртбурчаклардан ташкил топган тўр билан қопланган. Схема кўчиш ва бурилиш бурчакларини тўрнинг тугунларида, деформация, зўриқиш, момент ва кўндаланг кучларни элементларнинг марказларида аниқлашга асосланган. Натижада (1) дифференциал тенгламаларни ечиш рекуррент формулалар бўйича ҳисоблашларга келтирилган.

2.2 параграфда геометрик ночизиклиликни эътиборга олган ҳолда локал қобирғаланган сферик қобикнинг динамик деформацияланиши тадқиқ этилган. Цилиндрик координаталар системасида ҳалқали бикрлик қобирға билан мустаҳкамланган ётиқ сферик қобик қаралади. Қобирға тўғри тўртбурчакли кўндаланг кесимга эга ва қобикнинг ички қисмига бириктирилган. Қобикнинг ташқи сиртига вақт бўйича ўзгарувчи импульсли  $P$  юкланиш таъсир қилади. Қурилма қобик қатлами ва қобирғадан иборат деб олинади.

Қобирға кесими бурчак координатаси бўйлаб ўзгармайди. Қобик ва қобирға материаллари бир хил ва Гук қонунига бўйсунди. Қобик КДХ ни ифодалашда Тимошенко типидаги эгилувчан ётиқ қобикларнинг ночизиқли назарияси қўлланилади.

Қобикнинг ўрта сиртига  $z$  координатали нуқтада ўтказилган нормалнинг кўчишлари қуйидагига тенг:  $u^z = u + z\psi$ ;  $w^z = w$ , ва масаланинг ўққа нисбатан симметриклигини эътиборга олсак  $v^z = v = 0$ , бунда  $u, v, w$  – қобик ўрта сирти нуқталарининг координата ўқлари бўйлаб кўчишлари;  $\psi$  – қобик ўрта сиртига ўтказилган нормалнинг бурилиш бурчаги.

Ўрта сиртнинг чўзилиш деформацияларини қуйидаги кўринишда

$$\varepsilon_1 = \frac{\partial u}{\partial r} - \frac{w}{R} + \frac{1}{2} \left( \frac{\partial w}{\partial r} \right)^2; \quad \varepsilon_2 = u/r - w/R; \quad (2)$$

қобик қалинлиги бўйича исталган нуқтасининг деформациясини эса қуйидагича оламиз:

$$\varepsilon_1^z = \varepsilon_1 + z \frac{\partial \psi}{\partial r}; \quad \varepsilon_2^z = \varepsilon_2 + z \frac{\psi}{r}. \quad (3)$$

Қобик нуқталаридаги кучланиш ва деформациялар орасидаги боғланишлар қуйидагича ёзилади:

$$\sigma_1^0 = \frac{E}{1-\mu^2} (\varepsilon_1^z + \mu \varepsilon_2^z); \quad \sigma_2^0 = \frac{E}{1-\mu^2} (\varepsilon_2^z + \mu \varepsilon_1^z); \quad \sigma_{13}^0 = \frac{E}{2(1+\mu)} \varepsilon_{13}^z, \quad (4)$$

бунда  $\varepsilon_{13}^z = f(z) \left( \frac{\partial w}{\partial r} + \psi \right)$ ;  $E, \mu$  – қобик материалнинг эластиклик модули ва Пуассон коэффициенти;  $H$  – қобирға қалинлиги;  $f(z) = \sigma_{13}^0$  кучланишларнинг қобик қалинлиги бўйича тақсимланишини ифодаловчи функция бўлиб, қобикнинг силлиқ қисми учун  $f(z) = f_o(z)$ ; қобирға ўрнатилган нуқталарда  $f(z) = f_1(z)$ ;

$$f_o(z) = 6 \left[ 0,25 - \left( \frac{z}{h} \right)^2 \right], \quad k^2 = \frac{5}{6}; \quad f_1(z) = \frac{3h(h+2H)}{2(h+H)^2} \cdot \left( 1 + 2 \frac{z}{h} \right) \left[ 1 - \frac{2z}{h+2H} \right]$$

Қобирғали қобикларнинг кесимларидаги бирлик узунликка тўғри келувчи зўриқиш, кўндаланг кучлар ва моментлар қуйидаги кўринишга эга:

$$N_1 = N_1^0 + N_1^R; \quad N_2 = N_2^0 + N_2^R; \quad M_1 = M_1^0 + M_1^R; \quad M_2 = M_2^0 + M_2^R; \quad Q = Q^0 + Q^R.$$

Бунда юқориги «0» индекс қобикқа, «R» эса қобирғага тегишли. Қобикдаги зўриқиш, кўндаланг куч ва моментлар қуйидаги формулалар асосида топилади:

$$N_1^0 = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_1^0 dz = \frac{Eh}{1-\mu^2} (\varepsilon_1 + \mu \varepsilon_2); \quad N_2^0 = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_2^0 dz = \frac{Eh}{1-\mu^2} (\varepsilon_2 + \mu \varepsilon_1);$$

$$M_1^0 = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_1^0 z dz = \frac{Eh^3}{12(1-\mu^2)} \left( \frac{\partial \psi}{\partial r} + \mu \frac{\psi}{r} \right); \quad M_2^0 = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_2^0 z dz = \frac{Eh^3}{12(1-\mu^2)} \left( \frac{\psi}{r} + \mu \frac{\partial \psi}{\partial r} \right);$$

$$Q^0 = \int_{-h/2}^{h/2} \sigma_{13}^0 dz = \frac{5}{6} \frac{Eh}{2(1+\mu)} \varepsilon_{13}.$$

Қобирғалар кесимидаги зўриқиш, момент ва кирқувчи кучларни аниқлаш учун бутун қурилма қалинлиги поғанали ўзгарувчи қобик сифатида қаралади. Қобирға қалинлиги  $H(r)$  ва унинг жойлашиш ўрни бирлик устунли  $\delta(r-r_0)$  функция ёрдамида берилади:  $H(r) = h^R \delta(r-r_0)$ . Бунда  $\delta(r-r_0) = \{0(r < a, r > b); 1(a \leq r \leq b)\}$ ;  $a_i = r_i - c_i / 2$ ,  $b_i = r_j - c_i / 2$ ,  $r_i$  - қобик ва қобирға туташган кесма ўрта нуктасининг координатаси;  $h^R$ ,  $c$  - қобирғанинг баландлиги ва эни.

Қобирғадаги кучланишлар қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

$$\sigma_1^R = G_1(\varepsilon_1^z + \mu_1 \varepsilon_2^z); \quad \sigma_2^R = G_2(\varepsilon_2^z + \mu_2 \varepsilon_1^z); \quad \sigma_{13}^R = G_{13} \varepsilon_{13}^z, \quad (5)$$

бунда  $G_1 = \frac{E_1}{1-\mu_1\mu_2}$ ;  $G_2 = \frac{E_2}{1-\mu_1\mu_2}$ ;  $G_{13} = \frac{5}{6} \cdot \frac{E}{2(1+\mu)}$ ;  $E_1, E_2, \mu_1, \mu_2, G_{13}$  - қобирға материалининг эластиклик ўзгармаслари ( $k^2$  нинг қиймати  $G_{13}$  ифодада катнашади деб олинади)

Қобирғаларнинг кесимларидаги зўриқиш, момент ва кўндаланг кучлар қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{aligned} N_1^R &= \int_{h/2}^{h/2+H} \sigma_1^R dz = A_{11}(\varepsilon_1 + \mu_2 \varepsilon_2) + B_{11} \left( \frac{\partial \psi}{\partial r} + \mu_2 \frac{\psi}{r} \right); \quad N_2^R = \int_{h/2}^{h/2+H} \sigma_2^R dz = A_{22}(\varepsilon_2 + \mu_1 \varepsilon_1) + B_{22} \left( \frac{\psi}{r} + \mu_1 \frac{\partial \psi}{\partial r} \right); \\ M_1^R &= \int_{h/2}^{h/2+H} \sigma_1^R z dz = B_{11}(\varepsilon_1 + \mu_2 \varepsilon_2) + C_{11} \left( \frac{\partial \psi}{\partial r} + \mu_2 \frac{\psi}{r} \right); \quad M_2^R = \int_{h/2}^{h/2+H} \sigma_2^R z dz = B_{22}(\varepsilon_2 + \mu_1 \varepsilon_1) + C_{22} \left( \frac{\psi}{r} + \mu_1 \frac{\partial \psi}{\partial r} \right); \quad (6) \\ Q^R &= \int_{h/2}^{h/2+H} \sigma_{13}^R dz = D_{13} \left( \frac{\partial w}{\partial r} + \psi \right). \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \text{Бунда, } A_{11} &= G_1 F; \quad A_{22} = G_2 F; \quad B_{11} = G_1 S; \quad B_{22} = G_2 S; \\ C_{11} &= G_1 J; \quad C_{22} = G_2 J; \quad D_{13} = G_{13} H(x, y); \\ F &= F^R(r) \delta(r-r_0); \quad S = S^R(r) \delta(r-r_0); \quad J = J^R(r) \delta(r-r_0); \end{aligned}$$

$F^R(r)$ ,  $S^R(r)$ ,  $J^R(r)$  - мос равишда, эни бирга тенг баландлиги  $h^R$  бўлган  $r = \text{const}$  даги қобирға кўндаланг кесимининг юзи, статик моменти ва ушбу кесимнинг координата ўқларига нисбатан инерция моменти.

Масаланинг ўққа нисбатан симметриклигини эътиборга олсак, қобикнинг ҳаракат тенгламалари қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\begin{aligned} (N_1 r)' - N_2 &= r \rho \left[ \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} (h+F) + \frac{\partial^2 \psi}{\partial t^2} S \right]; \quad (rQ)' + [N_1 r(w' + r/R)] = r \rho \frac{\partial^2 w}{\partial t^2} (h+F) - rP; \\ (rM_1)' - M_2 - rQ &= r \rho \left[ \frac{\partial^2 \psi}{\partial t^2} (h^3/12 + J) + \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} S \right], \quad (7) \end{aligned}$$

бунда  $\rho$  - қобик материалининг зичлиги;  $h$  - силлик қобик қалинлиги.

Қаралаётган масала учун чегаравий шартлар қуйидагича:

а) қобик четларининг қистириб маҳкамланиш шартлари:

$$u = w = \psi = 0; \quad (8)$$

б) қобикнинг марказида симметриклик шартлари:

$$r = 0 \quad \text{бўлганда} \quad u = \frac{\partial w}{\partial r} = \psi = 0; \quad (9)$$


Қобикнинг  $t = 0$  даги ҳолатида бошланғич шартлар ноль деб олинади:

$$u = w = 0. \quad (10)$$

Шундай қилиб, қобирғали қобикнинг динамик деформацияланиши ҳақидаги масаланинг тўлиқ қўйилиши (1)-(7) тенгламалар системасини берилган (8), (9) чегаравий шартлар ва (10) бошланғич шартлар билан биргаликда ечишдан иборат.

Четлари қистириб маҳкамланган қобирғали сферик қобикнинг текис тақсимланган  $P = P_0 e^{-t/\alpha}$  юкланиш таъсиридаги кучланган-деформацияланган ҳолати ҳисобланган, бунда  $P_0 = 2,5 \text{ МПа}$ ,  $\alpha = 10^{-3} \text{ с}$ . Қобикнинг геометрик ва эластик характеристикалари қуйидагича:  $R = 2 \text{ м}$ ;  $R_0 = 0,5 \text{ м}$ ;  $h = 0,01 \text{ м}$ ;  $E = 75600 \text{ МПа}$ ;  $\nu = 0,3$ ;  $\rho = 2640 \text{ кг/м}^3$ ; қобирға ҳалқасимон ҳамда баландлиги  $h^R = 0,04 \text{ м}$  ва  $\xi = 0,0333 \text{ м}$ . Қобирғанинг  $r = 0,10 \text{ м}$  (қутбга яқин) ва  $r = 0,40 \text{ м}$  (четига яқин) координаталарда жойлашган ҳоллари ҳисобланган.

Қобик деформациясига қобирғанинг таъсирини баҳолаш учун 1-расмда мустаҳкамланмаган қобикнинг эгилишлари билан таққослаш келтирилган. Кўриниб турибдики, қобирға мустаҳкамланмаган қобикнинг деформацияланиш характерини тубдан ўзгартиради. Қобирға қутб яқинида жойлашганда тебранишларнинг даври ва максимал амплитудаси ортади, частотаси эса деярликки марта камаяди.



1-расм. Қобирғасиз,  $r = 0,1 \text{ м}$  ( $d=0,2$ ), ва  $r = 0,4 \text{ м}$  ( $d=0,8$ ) нуқтасида қобирға билан мус-таҳкамланган ҳолатлардаги қобикларнинг марказий нуқтаси эгилишлари ( $r=d \cdot R_0$ ).

Четлари яқинида жойлашган қобирға тебранишларнинг максимал амплитудасининг камайишига олиб келади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, қутб яқинига ўрнатилган қобирға қобикнинг қутб яқинидаги эгилиш деформацияларининг кескин камайишига олиб келади.

Қобирғанинг четга яқин жойлашиши мустаҳкамланмаган қобикдаги ҳолатдаги билан таққосланганда қобик эгилишларининг радиус бўйлаб тақсимотини ҳам ўзгартиради. Айтилганларни умумлаштириб, қобирғани қутбга яқин жойлаштириш қобик қутб нуқтаси тебранишларининг максимал амплитудаси, даври ва частотасининг ҳамда қобикнинг марказий қисмидаги эгилиш деформацияларининг камайишига олиб келади.

2.3 параграфда дискрет сонли доиравий қобирғалар билан мустаҳкамланган ётиқ сферик қобикнинг ночизикли деформацияси ҳақидаги умумлаштирилган масала қаралган. Қобирғалар бир хил тўғри тўртбурчакли кўндаланг кесимга эга ва қобикнинг ички томонидан бириктирилган. Қобикнинг ташқи қисмига вақтга нисбатан экспоненциал қонун бўйича ўзгарувчи импульсли  $P$  юкланиш таъсир этади. Қаралаётган қобикнинг кучлан-

ган-деформацияланган ҳолатига унинг геометрик характеристикалари (эни ва қалинлиги) ва қобирғалар сони ўзгаришининг таъсири ўрганилган.


Диссертация ишининг «**Динамик юкланишлар таъсиридаги дискрет қобирғаланган доиравий пластинканинг ночизикли деформацияланиши**» деб номланган учинчи бобида динамик юкланишлар таъсиридаги қобирғали доиравий пластинкаларнинг ночизикли деформацияланиши тадқиқ этилган. Импульсли, оний ва секин ўсувчи динамик юкланишлар таъсиридаги доиравий равишда қобирғаланган доиравий пластинканинг кўчиш ва деформациялари орасидаги геометрик чизиклимасликни эътиборга олган ҳолда кучланган-деформацияланган ҳолатининг ҳисоби бажарилган. Қурилма материаллари Гук қонунига бўйсунувчи ва бир хил бўлган пластинка ва қобирғалардан ташкил топган.

3.1 параграфда импульсли юкланган, четлари қистириб маҳкамланган ҳалқали қобирғаланган доиравий пластинканинг ночизикли тебранишлари ва доиравий пластинканинг ночизикли деформацияларни ҳисобга олган ҳолда кучланган-деформацияланган ҳолатини сонли тадқиқ қилишга бағишланган. Қобирға бир хил тўғри тўртбурчакли кўндаланг кесимга эга ва қобикнинг ички томонидан бириктирилган. Қобикнинг ташқи қисмига вақтга нисбатан экспоненциал қонун бўйича ўзгарувчи импульсли  $P$  юкланиш таъсир этади.

